O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
NAVOIY VILOYATI

XALQ DEPUTATLARI QIZILTEPA TUMANI KENGASHI

QARORI

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
НАВОИЙСКАЯ ОБЛАСТ

РЕШЕНИЕ
КЕНГАША НАРОДНЫХ ДЕПУТАТОВ КЫЗЫЛТЕПИНСКОГО РАЙОНА

«18» декабря 2019 y (г) № 56/274 Qiziltepa sh. г.Кызылтепо

Қизилтепа туманининг 2020 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунига (Кейинги ўринларда Қонун деб аталади) мувофиқ, 2020 йилдан бошлаб Халқ депутатлари Кенгашларига маҳаллий бюджетларни бошқаришда эркинликлар берилиб, солиқлар ва йиғимлар бўйича ставкаларини белгилаш, маҳаллий бюджет харажатларини ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчилар кесимида тасдиқлаш ва уларнинг Кенгаш олдидаги ҳисобдорлигини белгилаш бўйича ваколатлари кенгайтирилди.

Мазкур Қонуннинг 18-моддасига асосан 2020 йил учун Қизилтепа туман бюджетини қабул қилиш бўйича Халқ депутатлари Қизилтепа туман Кенгаши (кейинги ўринларда Кенгаш деб аталади)

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгашининг 2019 йил 16 декабрдаги “Навоий вилояти 2020 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида”ги 59/379-сонли қарорига асосан Қизилтепа туман (кейинги ўринларда - туман деб аталади) бюджетига Навоий вилояти бюджетидан ажратилган:

тартибга солувчи бюджетлараро трансферт 53 545 578,0 минг сўм миқдорида тасдиқланганлиги;

туман бюджетининг айланма касса маблағи 819025,0 минг сўм миқдорда белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Қонунга асосан 2020 йилда:

а) Қуйидаги солиқ турлари туман бюджетига тўлиқ ўтказилади:

- жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;
- жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;
- жисмоний шахсларнинг мулкларни ижарага беришидан олинадиган йиллик даромадлари бўйича декларацияга асосан тўланадиган ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган даромад

солиғи;

– сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ (электр станциялари томонидан тўланадиган солиқ бундан мустасно);

– қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ (цемент хом ашёси ва цемент ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган оҳактош бундан мустасно).

2. Қонунга асосан туман бюджетининг харажатлар тизимида қуйидаги ўзгартиришлар киритилди ҳамда молиялаштириш тартиби қуйидагича белгиланди:

а) тумандан молиялаштирилувчи умумтаълим мактаблари ҳамда мактабгача таълим муассасаларининг биринчи ва иккинчи гуруҳ харажатлари республика бюджетидан, тўртинчи гуруҳ харажатлари тегишинча туман бюджетидан молиялаштирилади;

б) туман бюджетидан:

– фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тайинланадиган ижтимоий нафақалар;

– давлат санитария-эпидемиология назорати туман марказини сақлаш харажатлари молиялаштирилади.

3. 2020 йилги туманнинг ялпи ҳудудий маҳсулот бўйича прогноз кўрсаткичлари 1-иловага ҳамда 2020 йил учун туман бюджети даромадлар прогноз кўрсаткичлари 2-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

4. Туман бюджетидан 20 йилги ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган харажатларнинг умумий чекланган миқдорлари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. 2020 йил учун туман бюджети захира жамғармаси ҳажми 1 477 678,0 минг сўм миқдорида белгилансин.

Туман ҳокимлиги захира жамғармаси маблағларини туман бюджетида кўзда тутилмаган, кечиктириб бўлмайдиган харажатларни, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий беқарорлик юзага келган вазиятларда амалга оширилиши зарур бўлган тадбирларни молиялаштириш учун ажратилиши таъминлансин.

6. Туман ҳокимлиги, туман молия бўлими:

ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчилар томонидан тегишли бюджетларни биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат ва дори-дармон ва коммунал хизматлар харажатларининг режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантирилишини назоратга олсин;

ҳар чорак якуни билан кейинги чорак биринчи ойининг 25-санасига қадар расмий веб-сайтларга ўз тасарруфидаги бюджет ташкилотлари

кесимида молиявий ҳисоботларни ҳамда бошқа тегишли маълумотларни жойлаштирсин;

маҳаллий бюджетларнинг қўшимча даромадларини 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорларда жамоатчилик фикри асосида белгиланган тадбирларни молиялаштиришга йўналтиришни таъминласин, веб-сайтларига уларнинг натижаларини жойлаштирсин.

7. Туман ҳокимлиги, чораклар якуни бўйича мазкур қарорнинг 1-иловасида келтирилган даромадларнинг прогноз кўрсаткичлари ҳокимликнинг фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда 5 фоиздан ортиқ миқдорга бажарилмаса ва молия йили охиригача ушбу маблағларнинг тушиш эҳтимоли бўлмаса, вилоят ҳокимиятига харажатларни мақбуллаштириш юзасидан таклифлари билан бирга киритилган мурожаатига асосан тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини ошириш ёки харажатларни мақбуллаштириш таклифларини киритади.

8. Туман ҳокимлиги Қонуннинг 24-моддасига асосан тегишли равишда ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчиларнинг бюджет маблағларидан самарали фойдаланилиши ҳамда эришилган натижалар бўйича ҳисоботларини Кенгашга киритилишини таъминласин.

9. Туман ҳокимлиги бюджет даромадлари ва харажатларининг кўрсаткичларини бажарилишини таъминлаш, солиқ базасини кенгайтириш ҳамда иқтисодий салоҳиятини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриш, бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиши устидан қатъий назоратни ўрнатиши учун туман Кенгашига доимий равишда маълумот киритиб борсин.

10. Туман ҳокимлиги Қонунда белгиланган айрим солиқлар ва тўлов ставкалари, солиқ солиш тартиблари ҳамда бошқа маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминласин.

11. “Қизилтепа тонги” таҳририяти (Р.Мақсудов), туман ҳокимлиги Ахборот хизмати раҳбари (А.Умедов) мазкур қарорни расмий эълон қилинишини ҳамда туман ҳокимлигининг расмий веб сайтига жойлаштирилишини таъминласинлар.

12. Ушбу қарор 2020 йил 1 январ кунидан эътиборан кучга киради.

13. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари туман Кенгашининг маҳаллий бюджетини шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси ва туман ҳокимлиги зиммасига юклатилсин.

Кенгаш раиси **Ш.Набиев**

Халқ депутатлари
Қизилтепа туман Кенгашининг
2019 йил «18» 12 даги
6274 сонли қарорига
1-илова



Қизилтепа туманининг 2020 йилга ривожлантиришнинг макроиқтисодий прогноз кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар	2020 йил учун прогноз
1	Истъемол нархлари индекси, декабрда аввалги йил декабрь ойига нисбатан, фоизда	0,9
2	Саноат маҳсулотларининг ўсиш суръати, фоизда	2,4
3	Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликларида ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати, фоизда	3,5
4	Чакана товар айланмасининг ўсиш суръати, фоизда	2,1

Халқ депутатлари
Қизилтепа тумани Кенгашининг
2019 йил «18» 12 даги
06/2-74 сонли қарорига
1-илова

Қизилтепа тумани махаллий бюджети даромадларининг 2020 йилдаги асосий прогноз кўрсаткичлари

минг сўмда

Т/Р	Даромад турлари	Жами
	ЖАМИ	46 443 949,0
1	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	3 600 000,0
2	Айланмадан олинадиган солиқ (Ягона солиқ)	7 500 000,0
3	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	12 300 000,0
4	Қўшилган қиймат солиғи	
5	Акциз солиғи, жами	12 051 949,0
	шу жумладан:	
	Алкоголга акциз солиғи (шу жумладан пиво)	7 737 354,0
	Мобил алоқага акциз солиғи	4 314 595,0
6	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	
7	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	4 800 000,0
8	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи (ИТД)	1 000 000,0
9	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	4 000 000,0
10	Қурилиш материаллари бўйича ер каъридан фойдаланганлик учун солиқ (бундан цемент хом ашёси ва цемент ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган оҳактош мустасно)	25 000,0
11	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ (бунда электр станцияларидан томонидан тўланадиган солиқ мустасно)	375 000,0
12	Давлат божи	
13	Жарималар	92 000,0
14	Ижара тўлови	
15	Давлат ташкилотларининг соф фойдасидан даромад	700 000,0
16	Йиғимлар	

Халқ депутатлари
Қизилтепа туман Кенгашининг
2019 йил «18» 12 даги
561 сонли қарорига
1-илова

2020 йил учун Қизилтепа туман маҳаллий бюджетида ҳудудий бюджетлараро трансфертларини тақсимловчиларга

минг сўмда

Кўрсаткичлар	миқдори
Харажатлар миқдори, Жами	99 989 527,0
шу жумладан:	
жорий харажатлар	99 989 527,0
объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
Туман ва шаҳар маҳаллий бюджетларига трансфертлар	0,0
Халқ таълими бўлими	5 808 608,0
шу жумладан:	
жорий харажатлар	5 808 608,0
объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
Мактабгача таълим бўлими	5 846 298,0
шу жумладан:	
жорий харажатлар	5 846 298,0
объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
Соғлиқни сақлаш	50 239 319,0
шу жумладан:	
жорий харажатлар	50 239 319,0
объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
Маданият бўлими	4 077 293,0
шу жумладан:	
жорий харажатлар	4 077 293,0
объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
Жисмоний тарбия ва спорт бўлими	1 981 278,0
шу жумладан:	
жорий харажатлар	1 981 278,0
объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
Қишлоқ хўжалиги бўлими	539 652,0
шу жумладан:	
жорий харажатлар	539 652,0
объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
Ветеринария вак чорвачиликни ривожлантириш бўлими	1 456 809,0
шу жумладан:	
жорий харажатлар	1 456 809,0
объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
Бандликка кўмаклашиш маркази	821 173,0
шу жумладан:	
жорий харажатлар	821 173,0
объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
Молия бўлими	926 202,0
шу жумладан:	
жорий харажатлар	926 202,0
шу жумладан: сақлаш харажатларига	926 202,0
Фуқароларга етказилган зарарни қоплаш	
Малака ошириш харажатлари	
Вилоятдан туман ва шаҳар маҳаллий бюджетларига бериладиган трансфертлар	
Индексация маблағлари	
объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
Ободонлаштириш бошқармаси	12 369 726,0
шу жумладан:	
жорий харажатлар	12 369 726,0

	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
11	**Пенсия жамғармаси бўлими**	**841 777,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	841 777,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
12	**Туман хокимлиги**	
	шу жумладан:	**14 517 384,0**
	жорий харажатлар	14 517 384,0
	Шу жумладан: сақлаш харажатлари	1 986 090,0
	Халқ қабулхонасини сақлаш харажатлари	117 216,0
	ФҲДЁларни сақлаш харажатлари	93 978,0
	Ҳокимликларнинг заҳира жамғармалари	1 477 678,0
	14 ёшгача вояга етмаган болалари бўлган оилаларга хар ойлик нафақалар	1 212 422,0
	2 ёшгача бўлган болаларни парваришлаётган оналарга хар ойлик нафақалар	3 976 482,0
	Кам даромадли оилаларга хар ойлик моддий ёрдамлар	122 116,0
	Ун ва нон сотиб олиш учун компенсация тўловлари	776 140,0
	Фукароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари	4 713 473,0
	Ҳокимлик ижтимоий мослашиш маркази бўлимлари	38 789,0
	Чернобиль фалокатини бартараф этишда қатнашганларни ижтимоий ҳимоялаш	3 000,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
13	**Фермер хўжаликларида бухгалтерия хисоби ва хисоботини юритиш марказларининг сақлаш харажатлари**	**564 008,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	564 008,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	

Халқ депутатлари
Қизилтепа туман Кенгашининг
2019 йил «18» 12 даги
27/1 сонли қарорига
4-илова

Қизилтепа туман маҳаллий бюджетига умумдавлат солиқлари ва божхона тўловларидан ажратмалар меъёри

Фоиз ҳисобида

Т/Р	Шахар ва туманлар номи	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	Ягона солиқ тўлови	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	Норуда қурилиш материаллари учун ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	Йиғимлар	Ижара тўловлари
1	Қизилтепа тумани	100	100	30	100	100	100	100